

Тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг жамият дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланиши, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг ТУШУНТИРИЛИШИ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАНИШИ

«QO’QON BIOKIMYO» АЖ да 2022 йил якуни бўйича **12 243 631 минг.сўм** соф фойда олинган.

«QO’QON BIOKIMYO» АЖ акциядорларининг умумий йиғилишида жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олган соф фойдасини қуидагича тақсимлаш таклиф қилинмоқда.

«QO’QON BIOKIMYO» АЖ нинг 2022 йил якуни бўйича олган 7 720 912 минг.сўм соф фойдаси қуидагича тақсимлаш:

- *Резерв фондига ажратма – 612 181 550 минг сўм (5.0 %)*
- *Кўшимча акциялар чиқарии орқали жамият устав фондини капитализация қилиши йўли билан оширишига – 11 631 449,45 минг сўм (95 %)*

Юқоридаги тақсимотдан кўриниб турибдики, «QO’QON BIOKIMYO» АЖ томонидан 2022 йилнинг соф фойдасини тақсимлашда соф фойданинг 95 фоизи Устав фондини ошириш учун йўналтириш назарда тутилмоқда.

Устав фондини кўшимча акциялар чиқариб капитализация қилинишида барча акциядорлар ўртасида ҳар бир акциядорга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланиши лозим. Шунга кўра капитализацияга йўналтирилган маблағлар тақисмланмаган фойда сатрида жамғарилади.

Жамиятнинг акциялари сони номинал қиймати 1026 сўм бўлган 69 696 872 дона бўлиб, Устав фонди 71 508 990 672 сўмни ташкил этади.